

Болаларнинг Мактабгача Бўлган Давридаги Айрим Физиологик-Психологик Хусусиятлар

Гулсанам Қосимова Негматжоновна
ФарДУ чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мактабга психологик тайёрлашда, илк ўқув мотивларининг шакиллантиришда, боланинг билиш жараёнларининг етарли даражада ривожлантиришда янги ижтимоий мухитга мослашуви ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларини шакиллантиришда, маънавий-ахлоқий жихатларининг таълим талабларига мутаносиблигини таъминлашда мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари фаолиятига бевосита боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: ўқув мотивлар, мактабга психологик тайёрлаш, муомала қилиши, болани кўнглини топа билиши, жараёнида ўз-ўзига хизмат, лаёқат, шаклланиш, ҳавасини уйғотиш.

Таълим тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилганидек мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланади. Мазкур бўғиннинг мақсади ҳар томонлама етук бола шахси шакллантириш, уни мунтазам равишда таълим олишга тайёрлаш, унда ўқишга бўлган ҳавасини уйғотиш қаратилган бўлиб, бу жараён мактабгача тарбия муассасаларида амалга оширилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мактабга психологик тайёрлашда, илк ўқув мотивларининг шакиллантиришда, боланинг билиш жараёнларининг етарли даражада ривожлантиришда янги ижтимоий мухитга мослашуви ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларини шакиллантиришда, маънавий-ахлоқий жихатларининг таълим талабларига мутаносиблигини таъминлашда мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари фаолиятига бевосита боғлиқ. Психологларнинг фикрича мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси тарбияланувчилар билан ўқув-машғулотларини ташкил этишда, таълимни кейинги босқичига-мактабга тайёрлашда қуйидаги ҳолатларга эътиборли бўлиши лозим.

- Болаларга ҳар доим бирдек муомала қилиши, болани кўнглини топа билиши, зеро боланинг кўнгли тарбиячидан совумасин;
- Тарбиячи машғулотларда болаларни фикрини бир жойга жамлашга ҳаракат қилиши лозим;
- Тушкун кайфиятдаги болага эътиборлироқ бўлинг, эртасига яъна боғчага интилсин;
- Машғулотларни болаларни ёш-психологик хусусиятига қараб танланг, бола қабул қилиш жараёнида қийналмасин. Лекин бир- бирига таққосланманг;
- Машғулотларда болаларни рағбатлантириб турунг, болада ташаббускорлик ва ишчанлик ошади;
- Болаларга эртақлар ўқиб беринг, маънавий-ахлоқий кўникмалари шаклланади;
- Болаларга кўргазмалар куруллар орқали машғулотлар ўтинг, идрок ва тафаккури ошади;
- Хато қилган болаларни урушманг, яхши гап билан тушунтиринг, зеро ишчанлик фаолияти сусаймасин;

- Таълим жараёнида ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатинг, меҳнатга бўлган лаёқати шакллансин;
- Болалардан ҳар куни уйда қилган ишларини сўраб туринг, хотираси чархланиб боради;
- Болаларга эркин мавзу юзасидан расмлар чиздириб туринг, зеро тасаввур ва хаёлидаги кечинмаларини билиб оласиз;
- Болаларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга ўргатинг, иродавий сифатлари шакилланади;
- Болалар тарбиясида иштирок этувчи шахслар ҳар доим болани психик тараққиётини, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим;
- Болалар психик тараққиёт бузилишлари ва ҳар хил меъёрдан четга чиқишларини ўз вақтида англаб олиш ва уларга психологик- педагогик маслаҳатлар бериб боринг;
- Тарбиячи болани МТМ муассасасида, уйда ва кўчада кузатинг ва шу кузатув асосида хулоса чиқаринг;
- Бола МТМга келгандан бошлаб МТМ ҳаётига осонлик билан мослашишига ёрдам беринг;
- Болани психологик хусусиятларини ўрганиб, психологик-диагностик методикалардан фойдаланинг;

Ота- оналарга тавсиялар.

- Болангизни дунёқарашини бойитиш мақсадида кўпроқ ҳар хил воқеаларга бой китобларни ўқиб беринг;
- Болангизга мустақил бўлишни ўргатинг, кийиниш, ечиниш малакаларини шакллантиринг;
- Болангизга катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда муносабатда бўлишга ўргатинг, зеро маънавий- ахлоқий малакалари шакллансин;
- Ўзингизни касбингиз ҳақида гапириб беринг ва ишхонангизга сайрга олиб боринг, касб танлаш эҳтиёжи туғилади;
- Болангизни тез-тез сайрларга олиб чиқинг, дунёқараши кенгаяди;
- Сайр вақтида табиатдаги ранглар, предметлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида тўлиқ тушунча беринг, экологик тарбияси ривожланади;
- Болангиз савол берса урушманг, саволларига тўлиқ жавоб беринг, онги ўсади;
- Болангизни жаҳли чиқадиган ишлар қилманг, болани асаб тизимига таъсир қилади;
- Болангизга овқатланиш маданиятига риоя қилишни ўргатинг, маданий гигиеник кўникмалари ривожланади;
- Болангизга мустақил иш қилишга ўргатинг у катта бўлаётганини ҳис қилсин;
- Болангизни оиласини севишга, ардоқлашга ўргатинг, зеро Ватан остонадан бошланади;
- Фарзандингиз тарбияланган муассасасида тарбия билан қандай муносабатдалигини хабардор бўлиб туринг;
- Деярли ҳар куни фарзандингиз билан бирор бир ўйин ўйнанг;
- Болалар билан касблар ҳақида суҳбат ва ўйинлар ўтказиб туринг;

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Тошкент-2013
2. Й.М.Асадов “Мактаб амалий психологи”. Т, 1994
3. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим-тарбия беришнинг замонавий тенденциялари. Т, 2015